

# **ЎЗБЕК ИРИМЛАРИДА ФЕТИШИСТИК ВА ТОТЕМИСТИК ҚАРАШЛАР ХУСУСИДА**

**Насиба ТУРСУНОВА**

доцент

Навоий давлат университети

Навоий, Ўзбекистон

## **Аннотация**

Ушбу мақолада ўзбек иримлари орасида фетишизм ва тотемизмларнинг сеҳрли кучига ишонишга қаратилган мисоллар таҳлилга тортилган. Тотемизм ва ҳайвонлар билан боғлиқ иримлар инсон маданиятининг муҳим қисми ҳисобланаганлиги илмий мулоҳазалар билан асосланган.

**Таянч сўзлар:** фетишизм, тотемизм, тумор, мифология, сеҳр-жоду, тўй, мотам, ирим.

# **О ФЕТИШИСТСКИХ И ТОТЕМИСТИЧЕСКИХ ВОЗЗРЕНИЯХ В УЗБЕКСКИХ СУЕВЕРИЯХ**

**Насиба ТУРСУНОВА**

доцент

Навоийский государственный университет

Навои, Узбекистан

## **Аннотация**

В данной статье проанализированы примеры веры в магическую силу фетишизма и тотемизма среди узбекских поверий. Научными рассуждениями обосновано, что тотемизм и поверья, связанные с животными, являлись важной частью человеческой культуры.

**Ключевые слова:** фетишизм, тотемизм, амулет, мифология, колдовство, свадьба, траур, поверье.

Ўзбек иримлари орасида фетишизм ва предметларнинг сеҳрли кучига ишонишга асосланган иримлар ҳам талайгина. Халқимиз орасида ўзини ва яқинларини ёвузликдан ҳимоя қилиш ва омадни жалб қилиш учун туморлар ва талисманлардан фойдаланиш ҳолатлари кўп учрайди. Туморларни тақиб юрган кишилар назардан холос бўламиз деб ишонадилар. Туморнинг ичида сеҳрли афсун – дуо ёзилган бўлади. Худди шунингдек, амулетлар тақиш ҳам тез-тез учрайдиган ҳодисалардан. Амулет – сеҳрланган тақинчоқдир. Одатда, сеҳргарлар бирор предметга сеҳрли сўзларни ўқиб дам уради ва уни бошқа кишига ёвуз кучлардан асрашига ишонтириб тақдим қилади.

Халқимиз орасида кўпинча қишлоқ уйларининг дарвозалари юқори қисмида баъзилар чўпқори иморатнинг синчига отнинг тақасини қоқиб

қўйиш одатларининг гувоҳи бўламиз. Отнинг тақасини ҳовлига сеҳрли буюм сифатида сақлаш ҳам қадимги аجدодларимизнинг аниматик мифологиясига бориб тақалади. Қадимги грек мифологиясида тақа осмон ва момақалдирак худоси Зевс билан ассоциялаштирилади. Тақанинг мифологиядаги рамзий тимсоллари: омад, равнақдан иборат [4].

Аждодлар култи ва ўлганларнинг руҳларига ишониш марҳумларни хотирлаш ва қабристонда ўзини тутиш қоидаларига риоя қилиш билан боғлиқ иримларнинг майдонга келишига сабаб бўлган. Кармана ва Хатирчиликларда қабри кўрсатгич бармоқни бигиз қилиб кўрсатиш табулаштирилади. Агар ким шундай қилса, дарҳол кўрсатгич бармоғини тишлаб, “Астағфуриллоҳ”, дейиши керак экан. Акс ҳолда, қўли оғриши ёки бирор-бир ёмонликка дучор бўлиши хавфи башорат қилинади.

Баъзан халқимиз орасида “гулхайри ўсимлигини ҳовлига экиш мумкин эмас, уй олдида терак экиш яхши эмас, ҳовлида оқ жангал ўсса ёмон бўлади”,- деган иримларни ҳам учратамиз. Табиат ҳодисалари ва ўсимликлар билан боғлиқ бу иримлар ўсимлик култи билан боғлиқ мифологик тасаввурлар замирида вужудга келган. Қадимги аждодларимиз ўсимликларнинг яхши ва ёмон сингари икки тоифага ажратишган. Ёмон ўсимликлар ўзларига ёвузлик кучларини жалб қилади, деб тасаввур қилишган. Оқ жангал ҳам худди шундай ёвузлик руҳларини ўзига жалб қилувчи ўсимлик саналган. Бу ўсимлик одатда қаровсиз қабристонларда, кимсасиз қўриқларда ўсган. Бундай ўсимликлар тагида мурту яшайди деб ишонишган. Шунинг учун ҳовлида оқ жангалнинг ўсишига йўл қўйилмаган.

Халқимизнинг маиший ҳаёти маросимлари бағрида кўплаб иримлар яшаб келади. Масалан, тўй ва мотам билан боғлиқ маросимларда анъанавий характер касб этувчи амаллар борки, аслида улар ҳам ирим. Масалан, *дафн маросимида майитни олиб кетаётганда фарзанд кўрмасдан қийналиб юрган аёлни тобутнинг йўлини кесиб ўтказадилар. Натижада шу аёл тез фарзандли бўлади,-*деб ирим қилинади. Ёки *дафн маросимида сўйилган жонлиқнинг суяқларини итга бериш ман этилади.* Агар итга берилса, майит

кабрида қийналар экан. *Ўлик чиққан хонадонга қирқ кун чироқ ёқиб қўйилади.* Мазкур ирим ҳам қадимий оташпарастлик эътиқоди билан боғлиқ ҳолда майдонга келган, деган қарашлар мавжуд. Бизнингча, марҳумнинг руҳини шод қилиш учун чироқ ёқиш анъанаси анимистик мифология маҳсули бўлиб, зардўштийлик эътиқоди билан ўзаро боғланган. Фольклоршунос О.Қаюмовнинг илмий кузатишларида чилчироқ ёқиш шомон маросимининг муҳим атрибутларидан бири, айти чилчироқ шомоннинг мифологик ҳомий руҳларини чорлаш воситаси сифатида талкин қилинади [7]. Чунки, қадимий эътиқодлар доимо бир-бирини мантиқан тўлдириш хусусиятига эга бўлади. Биз бу ҳодисани анимизм ва ислом, анимизм ва зардўштийлик, тотемизм ва анимизм каби эътиқодлар кесимида майдонга келган иримлар мазмунида кузатишимиз мумкин.

Тотемизм – ибтидоий дин шаклларида бири бўлиб, жамоа ёки уруғнинг муайян ҳайвон, ўсимлик ёки нарса билан мистик боғлиқлигига асосланади. Бу боғлиқлик “тотем” деб аталувчи объектга сиғиниш, уни муқаддас деб билиш ва унга ҳурмат бажо келтириш орқали намоён бўлади. Баъзи иримлар кўпинча ҳайвонлар билан боғлиқ бўлиб, бу ҳайвонлар жамоанинг аждоди, ҳомийси ёки рамзи сифатида қабул қилинади. Туркий қавмларда бўри ва унинг тирноғи, тишини болаларнинг бешигига, бош қийимига тикиб қўйиш ирими бор, гуёки шундай қилса, болага ёвуз руҳлар яқинлашмас эмиш. Туркий қавмларда бўрига аждод боши сифатида қаралади. Қадимги туркийлар ҳақидаги машҳур афсонада туркийларнинг бўри аждодбошиси эканлиги ҳикоя қилинади: “Бир туркий оиланинг эркин яшаши қўшни шахзодани безовта қиларди. Тўғри вақтни танлаб, уларга қарши ўз қўшинини юборади. Турк уруғи мағлубиятга учрайди. Душман аскарлари одамларни ўлдириб, чорва молларини ҳайдаб кетишади. Аммо жанг пайтида ўн ёшли бола омон қолади. Аскарлар болани ўлдиришмайди. Аммо, қонхўр хоннинг ғазабидан кўрқиб, туркийлар уруғини бир киши қолдирмасдан қириб ташлашни буюрган, аскарлар ҳалиги боланинг қўлоёқларини кесиб ташлаб, уни ўтлоқ қўлга ташлашган. Бу ерда у оғир

азобларда ўлиши керак эди. Ўтиб кетган душман кўшини ортидан чанг аллақачон босилган, бола ҳушидан кетган эди. Бир урғочи бўри келиб болани айланиб чиқиб, ҳидлайди ва қирғоқ бўйидаги қалин буталар орасига кириб ғойиб бўлади. Бир мунча вақт ўтгач, бўри тишларида сирли дори-дармонларни олиб келади. Бўри боланинг яраларини тузатиш учун кўп машаққат чекади.

Қанча вақт ўтгани номаълум, аммо хонга боланинг тирик экани ҳақида миш-мишлар эшитилди. Болани йўқ қилиш учун кўлга яна аскарлар юборилади. Уруғнинг охири вакилига нима бўлгани номаълум, аммо аёл бўри қочиб қутулишга муваффақ бўлади. Бирмунча вақт ўтгач, Олтой тоғларида бўри пайдо бўлади. Тоғларда ғор, ғорда эса қалин ўтлар билан қопланган текислик бор эди. Ғорнинг тўрт томонида тоғлар юксалган. Бу ерда бўри бошпана қилиб, ҳалиги йигитдан ҳар бири ўз наслини олган ўнта ўғил туғади. Бўрининг ўғилларидан бири аввалги насл номи Ашина эди. Бу одам катта қобилиятга эга эди ва шунинг учун у оила боши этиб сайланади. Ашина мўъжизавий туғилиши хотирасига ўз байроғини бўри бош сурати билан безатади. Унинг оиласи аста-секин бир неча юз оилага кўпайди. Бир неча вақтдан сўнг, Асян-ше исмли бир киши бутун ҳудуд билан ғордан чиқиб, ўзини Жужан хонининг вассали деб тан олади.

Вақт ўтгач ўғил ва бўри насли кўпайиб, одамлар халқ бўлишни хоҳлашади. Биродарлар йиғилиб, қариндошларини ким бирлаштириб, биринчи хоқон бўлишини ҳал қила бошлайдилар. Улар узоқ вақт баҳслашиб, келиша олмайдилар. Охири улар Камдан маслаҳат сўрайдилар. Қам кўп ўйлайди. У ўзининг муқаддас маросимини бошлайди, руҳи танасидан чиқиб, осмонга учиб кетади. У беш осмондан ўтиб, Тенгри таёғининг дастагида – Олтин Қозик юлдузида тўхтади. Бу ерда Камнинг руҳи муқаддас сўзларни эшитиб, қайтиб келади. У оғир йўлдан кетиб, Тенгрининг иродасини биродарларига етказди. Қам Байтерекга кўтарилиб, барча биродарлардан баландроқ бўлса, демак Тенгрига энг яқин, хоқон бўлади. Байтерек шунчаки дарахт эмас, балки осмонга, Буюк Тенгри тахтига борадиган йўл. Биродарлар

Буюк дарахтга келиб, юқорига кўтарила бошлайдилар. Улар шох-шаббалардан, қўллари ва оёқлари йиртилиб, чарчаганларидан пастга тушишади. Ҳаммадан юқорига кўтарилган ягона одам Ашина эди. У ҳатто пастга тушишдан олдин муқаддас бургутнинг қанотларига ҳам тега олади. Дарахтнинг чўққисида одамларни ғазаблантириб, Ашина шунчаки қалин шохларга яшириниб, дарахтдан йиқилиб тушишини кутганини айтишади. Шундан кейингина у пастга тушиб, ўзини ғолиб деб атайтиди. Халқ кимга ишонишни билмас эди. Ўшанда қамлар дарахт пойига келиб, Тенгри белгисини кутишга қарор қилишади. Эрталабки қуёш чиқиши билан биродарлар Байтерак тожида туришади. Бирмунча вақт ўтгач, қудратли бургут дарахтдан тушиб кетади ва еттита муқаддас даврани амалга ошириб, Ашинанинг бошига тушади.

Энди Тенгрини танлашига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Шундай қилиб, туркларнинг биринчи ҳокони пайдо бўлган ва Ашинанинг авлодлари халқни яна кўп йиллар бошқарган.

Ашина – “олижаноб бўри” деган маънони англатади. Ашинанинг устига ҳар доим олтин бўри бошли байроқ осилган. Турклар ўзларини сут бериб боққан бўри деб аташади. Туркларнинг авлоди ботқоқликда ҳалок бўлишига йўл қўймаган қарғага ҳурмат белгиси сифатида Ашинанинг олтин уруғи олтин қуш ёки олтин қизил қарға уруғи деб аталган.

Ашинанинг авлоди Асян-шод беш юз оилани ғордан олиб чиқиб, Олтойга келиб, қўшни халқлар билан аралашиб, турк номини олган. Қачонки турклар кўпайиб кетгач, уларнинг олдида синегривор бўри келиб, уларни қуёш ботганда янги юртларни забт этишга олиб борди. Бориш керак бўлганда, бўри «Кош, Кош – йўлга!» деб бақирди ва одамлар унинг орқасидан эргашиб кетишди. Улар кўп ерларни забт этиб, улкан империя барпо этишди»[2]. Ўзбек халқида ҳам бўрига қадимдан аждодбоши сифатида қаралганлиги боис унинг териси, тирноқлари ва тиши ҳам авлодларни ёвузликдан асрайди, деган инонч пайдо бўлган.

С.А. Токаревнинг қайд этишича, “Тотемистик афсоналар Америка ва Африкада ҳам маълум, аммо умуман олганда, одатий кўринишда эмас, чунки тотемизм эрта туғилган ижтимоий тузум билан бирга йўқолади”[5]. Тотемлар билан боғлиқ маданий қаҳрамонлар – бушменларда Тсагнанинг маккажўхори, Осиё ва Америка халқларида қарғалар ва бошқалар, шунингдек, Пор ва Моосе фратрияларининг келиб чиқиши ҳақидаги афсоналада ҳам кўзга ташланади. Мифологияда одамнинг зооморфик ибтидоий, зооантропоморфик табиат мавжудотига ёки эврилишга қодир мавжудот билан никоҳига боғлиқ тасаввурлар кенг тарқалган. Бу никоҳ халқни дунёга келтиради. Булар ҳақида орочларда Дусе йўлбарси, қирғизларда олеинх Мюздю, самларда Мяк Эаш ҳақидаги афсоналар ҳикоя қилинади. Афсоналар билан зооморфик белгилар (Марс култи билан боғлиқ ҳайвонлар ва жойлашиш жойларини кўрсатувчи ҳайвонлар), эгизак руҳларнинг фатҳлари (нагуал) ва бошқалар ҳам тотемистик тасаввурлар билан боғланган [3].

Жаҳоннинг кўпгина халқлар мифологиясида бўри куч, жасорат, мустақиллик ва эркинлик рамзи сифатида тасвирланади. Шунингдек, бўри хавф, ваҳшийлик ва ёвузлик билан ҳам боғланиши мумкин. Масалан, турк халқларида бўри муқаддас ҳайвон ҳисобланиб, унинг сурати байроқларда ва бошқа рамзий белгиларда акс эттирилади. Аксинча, христианликда бўри шайтон ва гуноҳ рамзи сифатида қабул қилинади [1;92]. Ўзбеклар орасида ҳам бўрини ёвуз куч санаш ҳоллари учрайди. Масалан хатирчиликлар тунда бўрини *қаришиқул* деб тилга оладилар. Гуё **бўри** деса у кечаси келиб, уларнинг ҳаётига мол-жонига зулм қилади деб ишонишади.

Кўпгина халқлар мифологиясида илон донолик, махфий билим, унумдорлик, даволаш ва қайта туғилиш рамзи сифатида тасвирланади. Шу билан бирга, илон хавф, алдамчилик ва ёвузлик рамзи сифатида ҳам тасаввур қилинади. Масалан, қадимги Юнонистонда илон тиббиёт худоси Асклепийнинг рамзи ҳисобланган. Христианлик эътиқоди таълимотида эса, илон шайтон ва васваса рамзи сифатида қабул қилинади [6;278].

Тотемизм билан боғлиқ иримлар инсон маданиятининг муҳим қисми ҳисобланади. Уларни ўрганиш орқали биз қадимги жамиятларнинг дунёқарашини, уларнинг ахлоқий ва диний қадриятларини, шунингдек, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тушунишимиз мумкин. Баъзан ҳайвонлар билан боғлиқ иримлар воқеаларнинг хабарчиси сифатида ижро қилинади: “Агар ит улиса, бало бўлади”, “Ўргимчакни кўриш – пул келишининг белгиси”. Иримларда ҳайвонлар сифат ва кучни тавсифловчи рамзлар сифатида ҳам келади. Масалан, тулки – ҳийлакорлик, муғамбирлик, бўри – куч, илон – донолик, маккорлик тимсоли сифатида келади.

Ўзбек халқида тотемистик иримлар мавжудки, улар жониворларни табулаштиришга асосланади. Биз юқорида айтиб ўтганимиз бўри сингари Зарафшон воҳаси ўзбеклари илонни ҳам табулаштирадilar. Хатирчи ва нуроталиклар илоннинг номини тунда *узунопа* деб айтишади.

Ўзбек иримлари орасида сеҳрли тафаккур ва маросимларга алоқадор иримлар ҳам алоҳида бир туркумни ташкил этади. Сўзлар ва ҳаракатларнинг кучига ишонишга асосланган иримлар: “Нимани тиласанг, шу рўёбга чиқади”, “Янги йилни қандай кутиб олсанг, шундай ўтказасан”. Омадни жалб қилиш ва балони даф қилиш маросимлари: чап елкаси орқали тупуриш, ёғочни тақиллатиш, салбий ҳиссиётларни ёқиб юбориш кабиларда кўришимиз мумкин. Ўзбек иримларида реалликни ўзгартириш учун рамзий ҳаракатлардан фойдаланиш: омад учун тугунлар боғлаш, муаммоларни ерга кўмиш каби хатти-ҳаракатларда кўриш мумкин. Кўпинча, одамлар тоғлардаги банд жойда ўсган дарахтларга, зиёратгоҳлардаги ўсимликларга ният қилиб латта боғлаш иримига амал қиладилар. Мазкур ирим аввало ўсимликларни руҳи, жони борлигига ишониш оқибатида келиб чиққан бўлса, иккинчидан, одамлар тугунни орзулари амалга ошгач ечишни ният қиладилар. Латта – бу истак тимсоли, тугун – муаммонинг рамзи сифатида ирим моҳиятида ўринлашган.

Хуллас, иримлар маъно-мазмуни халқ турмуш тарзи ва ҳаёти билан боғлиқ фольклор жанри сифатида муҳим аҳамият касб этади. Иримларда

аввало халқимизнинг архаик тасаввурлари, маданий қадриятлари ўз ифодасини топган. Ўзбек ирим-сиримлари моҳиятида аجدодларимизнинг қадимий эътиқодий тасаввурлари: фетишистик ва тотемистик қарашлар кўп учрайди. Қадимий мифологик тасаввурлар ибтидоий аجدодларимиз тафаккурида шаклланиб, иримлар орқали уларнинг ҳаёт тарзи, ижтимоий муносабатларига кўчган. Мифологик моҳият касб этувчи эътиқодий қарашлар билан йўғрилган табу ёки ундаш мотивлари тафаккурдан ҳаракатга кўчиши оқибатида иримлар шаклланган. Иримлар ижтимоийлашуви натижасида қадрият сифатида оммалаша борган ва бизгача етиб келган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Гумилёв Л.Н. Древние тюрки. – Москва: Наука, 1967.
2. Легенда о тюркском отце – Ашине/ <https://vk.com>
3. Мелетинский Е. М. Австралийская мифология // Мифы народов мира: Энциклопедия. Электронное издание / Гл. ред. С. А. Токарев. – Москва, 2008.
4. Подкова // Большая Советская Энциклопедия / под ред. А. М. Прохорова. 3-е изд. том 20. – Москва: Советская энциклопедия, 1975.
5. Токарев С. А. Тотемические мифы // Мифы народов мира : Энциклопедия. Электронное издание / Гл. ред. С. А. Токарев. – Москва, 2008.
6. Юнг К.Г. Архетипы и коллективное бессознательное. – Принстон: Университет Принстон, 1969.
7. Kayumov O., Kayumova G.N. O'zbek sehrli marosimlari folklori. – London: GlebeEdit, 2024.